

**“ХИЗМАТЛАР СОҲАСИНинг РИВОЖЛАНИШИ ВА УНИНГ  
СИФАТИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ”**

*Рзаева Гульзира Камаловна*

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси  
ҳузуридаги Бизнес ва тадбиркорлик олий мактабининг  
Қорақалпоғистон Республикаси худудий филиали раҳбари  
+998 91 386 07 88*

Ўзбекистоннинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиётини барқарор суръатлари ривожланишини амалга оширишда аҳолига хизмат кўрсатувчи соҳаларнинг ўрни ва роли сезиларли ошиб бормоқда. Айниска, рақобат муҳитининг кучайиши ва хизматлар сифатига бўлган эътиборнинг тобора ошиб бориши шароитида хизматларга бўлган талабни қондиришга қаратилган фаолиятни янада ривожланишини таъминловчи омиллардан самарали фойдаланиш шу куннинг муҳим талабларидан биридир. Хизмат кўрсатиш соҳасига ўз этиборини қаратиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2025 йил 7 февралда хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилган ишлар ва 2025 йил учун асосий вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилишида уч йил олдин қабул қилинган хизматлар секторини ривожлантириш бўйича катта дастур натижасини бераётгани таъкидланди.

**Аннотация:** Мақолада республикада хизмат кўрсатиш соҳасининг ўтган йиллардаги ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасида сифат тушунчасининг шаклланиши ва унинг ривожланиш босқичлари, хизматлар соҳасида сифат масалалари, хизматларнинг ўзига хос хусусиятлари, шунингдек, хизматлар сифатини ошириш ва баҳолаш усуллари кўрилган.

**Калит сўзлар:** хизмат кўрсатиш, иқтисодий ўсиш, аҳоли бандлиги, таҳлил, кўрсаткичлари, ривожлантириш.

### Кириш

Хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланганлик даражаси аҳоли юқори турмуш сифатини таъминлашнинг ва иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиришнинг белгиловчи омилига айланди. Айниқса, ушбу соҳанинг, меҳнатга лаёқатли аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш муаммосини ҳал этишдаги бекиёс аҳамиятини кишилик жамияти томонидан эришган катта ютуқ сифатида алоҳида эътироф этиш лозим. Соҳанинг аҳоли турмуш даражасини ҳамда сифатини яхшилашдаги ролини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бугунги ҳолати ва ривожланиш

тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, имкониятларни белгилашни ва келажақда улардан унумли фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорида: “Кўшимча 1,5 миллион аҳоли сервис соҳасида доимий даромадга эга бўлди ва хизматлар кейинги етти йилда 19 миллиардан 65 миллиард долларга ошди (ўсиш-3,5 баробар). Айниска, ИТ, молиявий хизматлар, туризм, авиация, таълим ва тиббиёт соҳаларида “катта сакраш” бўлди. Аҳоли даромади ва тўлов қобилияти 2 карра ўсгани натижасида аҳолида янгича хизмат ва сервис турларига талаб ортмоқда” деб таъкидлаган эдилар.

2025 йилда хизматлар соҳасини ривожлантиришнинг асосий мақсадли кўрсаткичлари етиб қуидагилар белгиланди: хизматлар ҳажмини 15 фоизга ошириб, 82 миллиард долларга, экспортини эса 8,5 миллиард долларга олиб чиқиши, соҳада 3 миллион кишини даромадли меҳнат билан таъминлаш, 52,2 мингта хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил етиш бўйича катта марра олинган. Молиявий хизматлар ҳажмини 30 фоизга ошириш бўйича аниқ режалар белгиланди.

2025 йилда қуидаги миқдорида кредит маблағлари йўналтирилади:

- хизматлар соҳасини ривожлантириш учун 67,4 триллион сўм;
- хизмат кўрсатиш обьектларини ташкил этиш учун девелоперлар орқали тадбиркорлик субъектларига нотурар жойларни лизингга беришга 4,5 триллион сўм. Худудлар учун:

1 триллион сўм миқдорида маблағ ажратилиб, 652 та драйвер лойиҳалар (72 соҳил бўйи масканлари, 62 истироҳат боғи, 154 гастрономик-савдо кўчалари, 364 йўлбўйи сервис обьектлари) инфратузилмага таъминланади.

Бундан ташқари:

- 2025 йил 1 июлдан бошлаб айрим давлат хизматлари ва функциялари хусусий секторга ўтказилади.

Кўшимча имтиёз ва енгилликлар (бошқарув ва солиқ сиёсати)

2025 йил давомида хизматлар соҳаси учун белгиланган имтиёзлар:

- Туризм ҳудудларида меҳмонхона, савдо, кўнгилоchar марказлар учун айланмадан олинадиган солиқ, ер ва молмулк солиги бўйича 1 % ставка қўлланади;

- Енгил транспортда йўловчи ташиш, майший техника таъмирлаш, ИТ/хизмат тармоқлари каби фаолиятлар автоматик равишда лицензияли фаолият доирасида тартибга солинади;

- Солиқ органлари назоратида сайёр текширувлар учун ўзига хос тартиб жорий етилган: биринчи огоҳлантириш, кейин салбий ҳолатларда сайёр текширув тартиби.

Бундан ташқари:

- 2024-йил ўрталарида қабул қилинган ПҚ-157 фармони (14 октябр 2024) доирасида ИТ-Парк резидентлари учун: 1 феврал 2025 дан бошлаб солиқлардан озодлик, агар экспорт ҳажми йил давомида \$10 млн. дан ошса, бошқа енгилликлар амалда бўлади.


Қайд этилган маълумотлардан кўриниб турибдики, бугунги кунда Ўзбекистонда хизмат қўрсатиш соҳасини давлат томонидан янада қўллаб-куватлаш бўйича имтиёз бериш, инфратузилмани янада ривожлантириш орқали тадбиркорлик муҳитини яхшилаш, бу жараёнларда юзага келаётган муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш борасида илмий тавсиялар ва таклифлар ишлаб чиқиши бугунги кундаги долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мамлакат миллий иқтисодиётининг муҳим таркибий қисми хизмат қўрсатиш соҳаси ҳисобланади. Хизмат қўрсатиш соҳаси мамлакат ижтимоий-иктисодий таракқиётида, хусусан, ЯИМ ишлаб чиқаришда, аҳолини иш билан таъминлашда, унинг турли эҳтиёжларини кондиришда турмуш даражаси ва сифатини оширишда, давлат бюджетини шакллантиришда етакчи ўрин тутади. Шу билан бир қаторда, хизмат қўрсатиш соҳаси кўп тармоқли ва бир вақтнинг ўзида бир неча йуналишда фаолият олиб борувчи соҳа. Ушбу соҳада доимий тарзда ўзаро миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳалари билан узвий боғлик бўлган мураккаб ижтимоий-иктисодий жараёнлар содир бўлади ва ривожланиб боради. Хизмат қўрсатиш соҳаси, бир томондан, миллий иқтисодиётнинг бошқа соҳа ҳамда тармоқларига, уларнинг ҳолати ва ривожланишига катта таъсир кўрсатса, иккинчи томондан, унинг ривожланиш имкониятлари ҳамда истиқболлари бошқа соҳа ва тармоқлар динамикаси билан белгиланади.

### **I. Хизматлар соҳасининг асосий қўрсаткичлари динамикаси.**

2025 йил январь-июнъ ойларининг дастлабки маълумотларига кўра қўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 458196,9 млрд сўмни ташкил этди, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 113,3 %ни, унинг ҳажми эса 89387,4 млрд сўмнга ўсиши кузатилди. 2024 йил январь-июнъ ойларида хизматлар ҳажми 368809,5 млрд сўмни, ўсиш суръати эса 112,9%ни ташкил этган.

## Кўрсатилган бозор хизматларининг ўсиш суръати динамикаси

**II. Хизматлар соҳасини ҳудудлар кесимида ўзгариши.**

2025 йилнинг январь-июнь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 37,9%, яъни 173615,4 млрд сўмни ташкил этди. 2024 йилнинг мос даврига нисбатан ушбу ҳудуднинг ўсиш суръати 115,2% га етган. Шу билан бирга, энг юқори улуш Самарканд (7,1%), Тошкент (6,8%) ва Фаргона (6,7%) вилоятларида кузатилмоқда. Сқрдарё вилоятида қўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 6350,9 млрд сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4% ини ташкил этди, ўсиши 14,1% га етди.

*Хизматлар соҳасининг ҳудудлар кесимида асосий қўрсаткичлари 2025 йил январь-июнь*

Ҳудуд	Ҳажми, млрд сўмда	Улуши, % да	Ўсиш суръати, % да
Ўзбекистон Республикаси	458 196,9	100,0	113,3
Қорақалпоғистон Республикаси	15 351,5	3,3	111,4
вилоятлар:			
Андижон	23 127,7	5,0	113,7
Бухоро	18 974,5	4,1	112,4

Жиззах	10 776,1	2,4	114,0
Қашқадарё	23 614,1	5,2	113,0
Навоий	11 320,9	2,5	113,5
Наманган	23 461,0	5,1	112,0
Самарқанд	32 572,7	7,1	112,3
Сурхондарё	15 369,4	3,4	112,7
Сирдарё	6 350,9	1,4	114,1
Ташкент	30 933,4	6,8	114,1
Фарғона	30 833,7	6,7	112,6
Хоразм	15 791,7	3,4	113,3
Тошкент шаҳри	173 615,4	37,9	115,2

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Кўрсатилган бозор хизматларининг ҳудудлар кесимидағи ҳажми

2025 йилнинг январь-июнъ ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 9976,7 минг сўмни ташкил этиб, 2024 йилнинг мос даври (12153,3 минг сўм)га нисбатан 2176.6 минг сўмга ёки 11,1%га ўсиши қайд этилди.

Ҳудудлар бўйича таҳлил шуни кўрсатадики, ушбу даврда аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматларнинг энг юқори кўрсаткичи Тошкент шаҳрига тўғри келиб, 55485,9 минг сўмни ташкил этди. Ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 12,6%га ёки 10719,4 минг сўмга ўсиши кузатилди. Аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг нисбатан паст кўрсаткичи Сурхондарё вилоятида (5192,4 минг сўм) қайд этилди.

З-жадвал

*Ҳудудлар кесимида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматларининг ҳажми ва ўсиши суръати кўрсаткичлари (2025 йил январь-июнъ)*

	Ҳажми, минг сўмда	Ўсиш суръати, % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>12 153,3</b>	<b>111,1</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	7 543,0	109,9
<i>вилоятлар:</i>		
Андижон	6 656,6	111,6
Бухоро	9 108,4	110,7
Жиззах	6 976,6	111,8
Қашқадарё	6 458,1	110,6
Навоий	10 301,1	111,6
Наманган	7 459,6	109,7
Самарқанд	7 545,9	110,0

Сурхондарё	5 192,4	110,1
Сирдарё	6 794,6	112,0
Ташкент	9 910,4	112,1
Фаргона	7 407,0	110,4
Хоразм	7 744,8	111,2
Тошкент шахри	55 485,9	112,6

**Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган бозор хизматлари ҳажми ва ўсиш суръати.

2025 йилнинг таҳлил қилинаётган даврида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 250892,6 млрд сўмни ёки бозор хизматлари умумий ҳажмининг 54,8%ини ташкил этди, 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 11,8%га ўсиш кўзатилди.

Худудлар бўйича Тошкент шаҳрида кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳажми 2024 йилнинг январь-июнъ ойларига нисбатан 13429,7 млрд сўмга ёки 12,8% га ошиб, 69083,1 млрд сўмга етди. Бу худудда кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 39,8%ни ташкил этди.

Бундан ташқари, Фаргона (22828,5 млрд сўм), Тошкент (22221,0 млрд сўм) ва Самарканд (20705,1 млрд сўм) вилоятларида ҳам юқори кўрсаткичлар қайд этилди.

Сирдарё вилоятида кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 4098,9 млрд сўмни ташкил этди.

Шунингдек, Навоий (6204,7 млрд сўм) ва Жizzах (7720,4 млрд сўм) вилоятларида кичик тадбиркорлик субъектларининг ҳажми нисбатан паст бўлган.

4-жадвал

*Худудлар кесимида хизматлар соҳаси бўйича кичик тадбиркорлик кўрсаткичлари (2025 йил январь-июнъ)*

	Ҳажми, млрд сўмда	Жами ҳажмдаги улуши, % да	Ўсиш суръати % да
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>250 892,6</b>	<b>54,8</b>	<b>111,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси вилоятлар:	11 120,3	72,4	113,2
Андижон	16 869,5	72,9	111,2
Бухоро	12 916,5	68,1	113,3
Жizzах	7 720,4	71,6	112,7

Қашқадарё	17 288,9	73,2	111,7
Навоий	6 204,7	54,8	111,2
Наманган	17 271,5	73,6	111,4
Самарқанд	20 705,1	63,6	110,4
Сурхондарё	11 321,6	73,7	111,7
Сирдарё	4 098,9	64,5	112,3
Ташкент	22 221,0	71,8	111,6
Фарғона	22 828,5	74,0	112,5
Хоразм	11 242,6	71,2	113,5
Тошкент шаҳри	69 083,1	39,8	112,8

### III. Хизмат турлари бўйича хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарорида мамлакатимиз иқтисодиётида хизматлар соҳаси улушкини ошириш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларини янада қўллаб-куватлаш мақсадида хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳамда унинг мониторингини юритиш бўйича мақсадли параметрлари белгиланган.

Кўрсатилган бозор хизматлари умумий ҳажмининг ўсишига молиявий хизматларнинг 19,0%га (жами кўрсатилган хизматлар ҳажмининг, транспорт хизматларининг 12,3%га (ўсишига таъсири 2,3 бандни), савдо хизматларининг 11,1%га (ўсишига таъсири 2,0 бандни), яшаш ва овқатланиш хизматларининг 9,8%га (ўсишига таъсири 2,0 бандни) ўсиши асосий омил бўлиб хизмат қилди. Ўз нвқбатида, ижара хизматларининг 19,4%га, кўчмас мулк билан боғлиқ хизматларнинг 11,1%га, ҳамда таълим соҳасидаги хизматларнинг 6,3%га ўсиши жами кўрсатилган хизматлар ҳажмининг 0,3 фоиз бандга ўсишига ижобий таъсир кўрсатди.

5-жадвал

*Хизматлар соҳасининг асосий турлари бўйича кўрсаткичлари ( январ-июн)*

	Ҳажми, млрд сўмда		Ўсиш суръати, % да
	2024 й.	2025 й.	
<b>Хизматлар-жами</b>	<b>368 809,5</b>	<b>458 196,9</b>	<b>113,3</b>
шундан:			

алоқа ва ахборатлаштириш хизматлари	25 181,9	35 342,3	122,1
молиявий хизматлар	62 605,5	76 572,2	119,0
Транспорт хизматлари	67 687,7	83 890,2	112,3
<i>Шу жумладан: автотранспорт хизматлари</i>	33 598,4	42 108,9	111,0
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	76 002,0	93 924,8	109,8
Савдо хизматлари	65 988,2	77 560,6	111,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	9 701,0	12 204,4	111,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	14 892,4	18 355,3	106,3
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	7 472,9	9 326,3	112,4
Ижара хизматлари	4 582,7	6 017,5	119,4
Компьютерлар ва майший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	5 469,6	6 735,7	111,1
Шахсий хизматлар	7 249,2	9 355,4	110,2
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	4 563,5	5 994,7	119,1
Бошқа хизматлар	17 412,9	22 917,5	113,3

### **Мавзуга доир кўрсаткичлар:**

Кўрсатилган бозор хизматларининг асосий турлари бўйича ҳажми.

2025 йилнинг 1-яримида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида яшаш ва овқатланиш хизматлари 20,5%, транспорт хизматлари 18,3%, савдо хизматлари 16,9%, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 7,7%, таълим соҳасидаги хизматлар эса 4,0% улушни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш соҳасида сифат кўрсаткичлари қатъий равишда ошиб, унга бўлган талабнинг ўсиб бориши соғлиқни сақлаш, савдо, умумий овқатланиш хизматларининг янада ривожланишига, шунингдек, илгари мавжуд бўлмаган юқори технологияли хизматларнинг шаклланишига ва юзага чиқишига сабаб бўлди. Юқори сифатли турли-туман хизматларининг мавжудлиги аҳолининг соғлигига ва инсонлар кайфиятига ижобий таъсир кўрсатади, ишчиларнинг иш унумини, истеъмол харажатларини оширади, бўш вақтни кўпайишига ва аҳолининг дам олишига имконият беради.

Инсон фаолиятида жуда қулай, хўжалик ишлаб чиқариш жараёнига ижобий таъсир кўрсатаётган янги хизмат кўрсатиш тармоғи, яъни бугунги кунда зудликда маълумотлар билан таъмин этувчи Интернет, мобиЛЬ (уяли)

телефонлар ва бошқа фан-техника ютуқларини қўллайдиган хизмат турлари ривожланиб бормоқда. Мазкур хизмат турларининг ривожланиши мамлакатимизнинг нафақат иқтисодий қудрати юксалишига, унинг интеллектуал салоҳияти ошишига ҳам хизмат килади.

Ўзбекистонда хизмат қўрсатмиш соҳасини янада такомиллаштириш учун қўйидагиларга эътибор қаратиш зарур деб ҳисоблаймиз:

- хизматларнинг янги замонавий турларини ривожлантиришга кенг эътибор қаратиш, хизматлар турларини янада кенгайтириш керак;
- хизматлар соҳасига янги инновацион технологияларни кенг жалб этиш зарур;
- айрим хизмат турларининг ҳисобга олинишини такомиллаштириш зарур, бу ялпи ички маҳсулот таркибида хизматлар соҳасининг улуши ошишига олиб келади;
- хизматлар соҳаси бўйича малакали мутахассислар тайёрлашга эътиборни кучайтириш лозим;
- хизматлар соҳасида янги иш ўринларни яратишни жадаллаштириш керак;
- креатив соҳалар – IT, туризм, лойиха, дизайн, инжинииринг каби хизматларни ривожлантириш бўйича аниқ иш ва натижа кераклиги;
- бугунги қундаги замонавий хизмат турлари ҳисобланадиган алоқа ва ахборотлаштириш, компьютерда дастурлаш хизматларининг жами хизматлар таркиbidagi улушини оширишга эътибот қаратиш лозим ва бошқалар.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрьдаги ПФ-158-сон “Ўзбекистон-2030 Стратегияси тўғрисида”ги Фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сон қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 27 февралдаги “Хизматлар соҳаси барқарор ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-78-сон қарори.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 марта “Кичик ва урта бизнеснинг иқтисодиётдаги ўрнини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-50-сон Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитаси, 2025 йил 22 июльдаги бюллетени, “Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари”.
6. “Хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик фаолиятининг хусусиятлари” С.А.Исхакова “Иқтисод ва молия” 2021 й.№2(138)-сон журналида чоп этилган маколаси.

7. “Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш муаммолар ва уларнинг ечимлари” И.С.Очилов. Монография. “Иқтисод ва молия”, 2008й. 37-б.
8. “Управление качеством” Учебное пособие, Е.А.Горбашко, СПб:Санкт-Петербург, 2008й.
9. <https://stat/uz> Ўзбекистон Республикаси Миллий статистика кўмитаси расмий сайти маълумотлари
- 10.<https://bukvi.ru>
- 11.<https://www.lex.uz>